

Бақара сураси, 214-оят

15:05 / 21.02.2018 5221

Ёки сиздан олдин ўтганларнинг ҳолатлари сизларга ҳам келмай туриб, жаннатга кирамиз деб ўйладингизми? Уларни йўқчилик ва қийинчиликлар тутган ва ларзага туширилганлар. Ҳаттоки Расул ва у билан иймон келтирганлар: «Аллоҳнинг нусрати қачон бўлади?» - деганлар. Огоҳ бўлинглар! Албатта, Аллоҳнинг нусрати яқиндир. Бақара 214.

Ушбу ояти каримадаги савол Набий алайҳиссалом ва мусулмон кишиларга қаратилган. Улар Исломга тўлиғича киришга, Аллоҳ нозил қилган ҳақ Китобга амал қилиб, тўғри йўл - сироти мустақимда собитқадам бўлишга ҳаракат қилиб туришганда, аввал ўтган мўминларнинг тажрибаларига ишора қилиб, улар тортган қийинчиликларни булар ҳам тортишлари шартлиги ва усиз жаннатга кириб бўлмаслигига ишора қилинмоқда.

«Ёки сиздан олдин ўтганларнинг ҳолатлари сизларга ҳам келмай туриб, жаннатга кирамиз деб ўйладингизми?»

Демак, жаннатга кириш иймон, Исломни оғизда эълон қилиб қўйиш билангина бўлаверадиган осон нарса эмас. Жаннатга киришнинг бир шarti - аввалги умматлардан унга киришга ҳақдор бўлганларга юборилган оғир синовларни бошдан ўтказиш зарур.

Хўш, аввал ўтган умматлар нималарга дучор бўлибдилар?

«Уларни йўқчилик ва қийинчиликлар тутган ва ларзага туширилганлар».

Ҳақни юзага чиқариш йўлида улар турли синовлардан, имтиҳонлардан ўтганлар, душманларнинг тажовузига, уруш-сўқишларига, озорларига чидаганлар, очлик, қийноқ ва муҳтожликларга учраганлар. Улар тортган қийинчиликлар шу даражага етганки, иймонли бўлишларига, бу синовлар уларга обрў келтиришини аввалдан билишларига қарамасдан,

«Ҳаттоки Расул ва у билан иймон келтирганлар: «Аллоҳнинг нусрати қачон бўлади?» - деганлар».

Азоб-уқубат ҳаддан ошиб кетгани учун улар шундай дейишга мажбур бўлганлар.

Қалбларни ларзага солувчи синовлар пайтида ҳам иймонида собит қолувчилар,

«Огоҳ бўлинглар! Албатта, Аллоҳнинг нусрати яқиндир».

Демак, банда ўз амали, сабри, матонати билан ҳақдор даражасига етганда, Аллоҳ унга Ўз нусратини беради.

Хаббоб ибн Арт розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадисда у киши дейдилар:

«Эй Аллоҳнинг Расули, бизга нусрат сўрасангиз-чи, Аллоҳга дуо қилсангиз-чи», – дедик. Шунда Набий алайҳиссалом:

«Сизлардан олдин ўтганларнинг баъзиларини бошининг қоқ ўртасидан арра солиб, оёғидан арралаб чиқиб кетсалар ҳам, динларидан қайтмаган эдилар. Гўштарини темир тароқ билан тараб, суякларидан ажратиб олсалар ҳам, динларидан қайтмаган эдилар. Аллоҳга қасамки, Аллоҳнинг Ўзи бу ишни батамом қилади. Ҳали улов минган одам Санъодан Ҳазармавтгача ҳеч нарсдан қўрқмай, Аллоҳдан ва қўйини бўри еб қўйишидангина қўрқиб борадиган ҳам бўлади. Лекин сизлар шошқалоқлик қияпсизлар», – дедилар».

Рум подшоси Ҳерақлнинг Абу Суфёндан Набий алайҳиссалом ҳақларида сўраган саволлари ичида:

– У билан уруш қилдиларингизми? – деган савол ҳам бор эди. Абу Суфён:

– Ҳа, – деди. Ҳерақл:

– Ораларингиздаги уруш қандай кечди? – деди. Абу Суфён:

– Гоҳ ундай, гоҳ бундай, баъзида у енгди, баъзида биз енгдик, – деди. Ҳерақл:

– Ўзи ҳақиқий пайғамбарларнинг иши шунақа бўлади: синалиб-синалиб, оқибатда ғолиб келадилар, – деди.

Демак, сабр қилиш, ҳаракат қилиш керак экан.

Исломга тўлиғича киришдан, Аллоҳ нозил қилган ҳақ Китобга амал қилишдан олдин баъзи нарсаларни билиб олиш керак, шунинг учун келаси

оятларда Набий алайҳиссаломга олтига савол берилади ва унга жавоб ҳам келади.